

БУЮК ВА МУҚАДДАС ДАВЛАТ ДАССАН! МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.



XASR

ЎТМОЙ-
СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

Газета 2004 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.

2011 йил 1 СЕНТЯБРЬ, пайшанба
35 (407)-сон,
E-mail: axborotXXlasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

БУЮК ВА МУҚАДДАС ВАТАННИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

"Мустақиллик", "Озодлик", "Хуррият". Бу муқаддас каломлар дунёдаги барча халқлар тилидаги энг тотли, энг улуг, энг азиз, энг ардоқли, энг хузурбахш сўзлардир. Чунки ҳар қандай халқ учун қарамликда, бўйнида бўйинтирик, оёғида кишан билан яшаш қанчалик катта фожиа — бахтсизлик бўлса, ўз юртига ўзи эгалик қилиб, озод ва эркин яшаш шу қадар буюк бахт — олий саодатдир.

Бундан йигирма йил илгари халқимиз ана шундай буюк бахтга мушарраф бўлди — Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов Ватанимиз мустақиллигини эълон қилди. Олам аҳли буюк аждодлари башариёт цивилизациясига, илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бой тарих ва маданий меросга, улкан иқтисодий ва маънавий салоҳиятга эга мамлакат ва халқ борлигидан ҳамда дунё харитасида янги мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганига гувоҳ бўлди.

Истиқлолимизнинг ҳар бир йили озод Ватанимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, улкан бунёдкорлик салоҳиятининг амалий намояни, эркин ва фаровон ҳаётимиз, гурурифтхоримиз тимсоли сифатида катта тантана билан байрам қилиб келинмоқда.

Шу кунларда халқимиз ана шу буюк тарихий сана, азиз неъмат — ўз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонламоқда. Ушбу кутлуг байрам мамлакатимиз бўйлаб "Буюк ва муқаддасдан, мустақил Ватан!" деган эзгу шior остида тантана қилинаётир. Бу қалбларимизга чексиз фахру ифтихор, гурур бахш этади.

Мана шу шукуҳли дамларда ҳар биримиз мус-

тақилликнинг буюк моҳияти ва аҳамиятини, истиқлолнинг юртдошларимиз ҳаётида тутган ўрнини, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда, онгу шууримиздаги оламшумул ўзгаришларнинг асоси бўлганини янада тeранроқ англаймиз.

2011 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи янада гўзаллик, ўзгача тароват касб этган.

Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндalари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари таширф буюрган.

Соат 19.00. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримовни қарсақлар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодийенаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислоҳ Каримов минбарга тақлиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Нақадар хаяжонли,



завкли, тарихий лаҳзалар. Юраклар қувонч хаяжондан, гуруру шодликдан халқиради. Шундай тарихий воқeаларнинг гувоҳи бўлишдан, наинки гувоҳи, иштирокчиси бўлишдан кўра олий бахт, юксак саодат борми инсон учун!

2-3 >>>

**ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДА
ҚАНДАЙ СУРОНЛИ
КУНЛАРНИ, ҚИЙИНЧИЛИК
ВА ТЎСИҚЛАРНИ ЕНГИШГА
ТЎҒРИ КЕЛМАСИН,
ЮРТИМИЗГА НИСБАТАН
ҚАНДАЙ ХУРУЖ, ЗУҒУМ ВА
ПЎПИСАЛАР БЎЛМАСИН,
БИЗ ЭНГ ОҒИР ВА
МАШАҚҚАТЛИ ДАМЛАРДА
ҲАМ МУСТАҚИЛЛИК
ҒОЯСИГА СОДИҚ ҚОЛИБ,
ЎЗБЕКISTON
МАНФААТИНИ ҲАММА
НАРСАДАН УСТУН ҚЎЙИБ,
ЎЗ ТАНЛАГАН
ЙЎЛИМИЗДАН
ҚАЙТМАДИК ВА БУ
ЙЎЛДАН ҲЕЧ ҚАЧОН
ҚАЙТМАЙМИЗ**



Сарсонбай СЕЙТНАЗАРОВ,
Корақалпоғистон
Республикаси Тахтақўпир
туманидаги «Тайимбет»
фермер хўжалиги раҳбари,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Хурматли меҳмонлар!

Бугун — барча шаҳар ва қишлоқларимизда, бутун мамлакатимизда муборак айём, унутилмас тарихий сана — Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганининг йигирма йиллик буюк байрами.

Бундан йигирма йил муқаддам биз юртимизда мустамлака зулми ва қарамлик даврига барҳам бериб, асрлар давомида халқимиз интилиб келган эркин ва озод ҳаёт қуриш йўлида тарихий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйдик.

Биз учун энг буюк ва энг азиз бўлган ана шу кутлуг байрам билан сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни чин қалбимдан табриклар, юксак хурмат ва эҳтиромимни билдиришдан чексиз бахтиёрман.

Ўзининг неча минг йиллик қўҳна тарихида не-не воқeаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги, ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган бу улуг сана кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, кадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том

маънода оламшумул воқeа бўлиб абадий сақланиб қолажак.

Муҳтарам дўстлар!

Биз ўтган давр мобайнида мустақилликка эришиш, эркин нафас олиб, ўз тақдири ва келажагини ўз қўли билан қуриш жаҳондаги биронта халқ, биронта мамлакат учун ҳеч қачон, ҳеч қаерда осон бўлмаган, деган аччиқ ҳақиқатни ўз ҳаётимиздан ўтказдик, ўз мисолимизда чуқур англадик.

Дарҳақиқат, бугун вақт ўтиши билан юртимизда ўзини оқламаган, эски мустабид тузум асоратлари ва занжирларидан озод бўлиш нақадар оғир кечганини, истиқлол арафасида республикамиздаги вазият тобора кескинлашиб, таҳликали ва ўта хавфли тус олганини яна ва яна бир бор ўзимизга тасаввур қилишимиз ўринли бўлади.

Бирёқлама ривожланган, фақат хом ашё етказиб беришга, мутлак пахта яккахоқимлигига асосланган иқтисодиётимиз гоёт ночор аҳволга тушиб қолгани, қашшоқлик ва бедодликка дучор бўлган аҳолимизнинг сабр-қосаси тўлиб, ўлкамиз жар ёқасига, портлаб кетиш ҳолатига етиб

борганини, одамларимизнинг таъминоти, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтириш муаммолари нақадар ўткир бўлиб турганини эслайдиган бўлсак, айни шу йиллардаги мавжуд вазият бутун мураккаблиги билан аён бўлади.

Бугун бир ҳақиқатни сира иккиланмасдан, баланд овоз билан айтиш учун барча асосларимиз бор: истиқлол йўлида қандай суронли кунларни, қийинчилик ва тўсиқларни енгилган тўғри келмасин, юртимизга нисбатан қандай хуруж, зуғум ва пўписалар бўлмасин, биз энг оғир ва машаққатли дамларда ҳам мустақиллик ғоясига содиқ қолиб, Ўзбекистон манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиб, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Биз юртимизда янги ҳаёт барпо этишнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳақиқий эркинлик ва истиқлолга эришиш — бу фақат мустақилликни қўлга киритиш эмас, балки уни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қуриш ва мустақамлаш, халқаро ҳамжамиятда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ва хурмат қозонишдан иборат эканини теран англаб олдик.

2 >>>

ФИДОЙИЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Шонли йигирма йиллигини нишонлаётганимиз Мустақилликнинг ҳар бир йили, ҳар бир кунини халқимиз учун нақадар азиз ва мўътабар экани бугун шу муқаддас Ватанда яшаётган ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топмоқда

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан элюртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг номлари тикланди, хотираси абадийлаштирилди. Пойтахтимизда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи бунёд этилгани, 31 август юртимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини сифатида нишонланиши халқи-

мизнинг ана шундай асл фарзандлари хотирасига кўрсатилаётган чуқур эҳтиром ифодасидир.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида "Шаҳидлар хотираси" хёбони зиёратчилар билан янада гавжумлашади. Бу ерга ташриф буюрган киши тарихий хотира тўйғусини, эзгулик ва адолатнинг боқийлигини, хуррият ва озодлик неъматининг қадрини янада чуқур ҳис этади. Бугунги тинч ва

осойишта кунларга, инсон кадр-қиммати улугланадиган буюк ва муқаддас юртда яшаётганига шуқроналар келтиради. Ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш руҳимизни поклайди, ўтмишдан сабоқ чиқариб, бугунги ёруғ кунларимизнинг қадрига етиб яшашга, мустақиллигимизни мустақамлашдек шарафли масъулиятни англашга ундайди.

2 >>>

БУГУНГИ СОНДА:

МУСТАҚИЛЛИК ТУФАЙЛИ МУЛҚДОР БЎЛДИМ

Бундан 20 йил аввал Юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг жасорати ва фидойилиги билан рўй берган оламшумул воқeа дунёда Ўзбекистон деган давлатнинг пайдо бўлишига олиб келган эди. Оддий бир деҳқон фарзанди сифатида шунинг айтишим мумкинки, илгарилари еримизга нима экишдан тортиб, қанча экишгача «катта оғалар»нинг руҳсатини олардик. Бугун эса деҳқон, энг аввало, мулкдорга, ўз қишлоғининг етакчиси, хурматли кишисига айланди. Мустақилликнинг мўъжизакор таъсири деҳқон тақдирини шу даражада ўзгартириб юборди.

05 >

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 23 АВГУСТДАН
БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва
бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан
қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	▲ 1804,37	1 АКШ доллари	▲ 1734,14	1 Хитой юани	▲ 271,15	1 Туркия лираси	▼ 973,58	1 Япония иенаси	▲ 226,01
1 Англия фунт стерлинги	▲ 2858,04	1 Миср фунти	▲ 290,84	1 Малайзия риппиги	▲ 583,30	1 Швейцария франки	▲ 2206,85	1 Россия рубли	▲ 59,24
1 Дания кронаси	▲ 334,60	1 Исландия кронаси	▲ 15,23	1 Польша злотийси	▼ 595,68	1 ЕВРО	▲ 2490,36	1 Украина гривнаси	▲ 217,56
1 БАА дирҳами	▲ 472,18	1 Канада доллари	▲ 1753,61	1 СДР	▲ 2787,06	1 Жанубий Корея вони	▼ 16,01		



Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ана шундай эзгу мақсадларга эришиш йўли эса барчамизга яхши маълум: бу — ўзимизнинг ер ости ва ер усти бойликларимиздан, ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятимиз, куч-қудратимиздан фойдаланиб, кўпни кўрган, меҳнаткаш халқимизнинг ақл-заковати, ғайрат-шижоати ва халқаро ҳамжамият ҳамкорлигига таяниб, дунёдаги замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш йўлидир.

Аҳолиимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини янги, юксак босқичга кўтариш, шу мақсадда мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократик янгилаш, либераллаштириш ва модернизация қилиш, ушбу жараёнларнинг суръатини имкон даражасида тезлаштириш — биз учун энг мақбул йўллар.

Айни шу йўл йигирма йиллик янги тарихимиз давомида ҳар томонлама ўзини оқлаб, исботлаб берган, жаҳонда "Ўзбек модели" деб ном олган энг тўри йўл, десам, мана шу муҳташам майдонда ўтирган сиз азизларнинг, кенг жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Ўтган давр мобайнида биз эришган юксак марралар ҳақида узоқ гапириш, кўплаб рақамларни олиб келиш мумкин. Шулар қаторида Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма йил мобайнида қарийб 3,4 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ўсгани, аҳолининг ялпи даромади тахминан 9 марта ошгани бизнинг мустақиллик йилларида қандай улкан марраларни кўлга киритганимизни намоян этмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ҳали-бери давом этаётганига қарамастан, Ўзбекистонимизнинг ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари охириги беш йил давомида дунёдаги санокли давлатлар қаторида ўртача 8,5 фоизни ташкил этгани ва бу йил ҳам ундан кам бўлмаслиги кутилаётган

ни иқтисодиётимизнинг изчил ва барқарор ривожланиб, тараққий топаётганининг яққол далилидир.

Истиқлол йилларида ижтимоий соҳа учун давлат харажатлари 5 баробардан зиёд кўпайгани, унинг 60 фоиздан кўпроги соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларга йўналтирилгани ҳам дунё миқёсида камдан-кам учрайдиган кўрсаткич бўлиб, бизнинг бош мақсадимиз авваламбор инсон ҳаётини, унинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилганини ҳар томонлама исботлаб беради.

Айнан шу асосда йигирма йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдаклар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узайиб, эркаклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани, бугунги кунда аҳолимиз сони 28,5 миллион кишини ташкил қилаётгани, ҳеч шубҳасиз, буни яна бир бор тасдиқлаб беради.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Биз кўлга киритган бу юксак марраларнинг илдири, замини нимада, деган саволга ҳар биримиз ҳеч иккиланмасдан, буларни барчасининг замирида аввало мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилошлари мўжассам, деб қатта ғурур ва ифтихор билан айтишимиз табиийдир.

Бугун мана шу саховатли заминда "Ўзбекистон — ягона ўлимиз" деб яшаётган, қайси касб эгаси, қайси миллат ва элат вакили бўлмасин, барча юртдошларимиз Ватанимиз кўлга киритган ютуқлар, эришган марраларда менинг ҳам муносиб меҳнатим, муносиб ҳиссам

бор, деб бошини баланд кўтариб, мағрурлини гапиришга тўла ҳақлидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мана шу юксак минбардан туриб, бизга доимо хайрихоҳ бўлиб, қўллаб-қувватлаб, ёрдам ва кўмак бериб келаётган дўсту биродарларимизга, юртимиз билан самарали ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар ва халқларга миннатдорлик билдириб, қизгин саломларимизни йўллашга, уларга бахт ва равнақ тилашга руҳсат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам майдонда жам бўлган хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, барча азиз меҳмонларимизга, бизнинг бугунги байрамимиз — сизларнинг ҳам байрамингиздир, деб, уларни чин юракдан қутлаб, самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни ихлос билан айтишимиз мумкин.

Қадрли юртдошлар!

Истиқлол бизга берган бебаҳо бойлик ва имкониятлар, эришган натижаларимиз ҳақида кўп сўз юритиш мумкин. Айни вақтда мустақиллик тарихига асло ўчмайдиган, ёрқин саҳифа бўлиб ёзиладиган улкан марраларимиз қаторида шундай буюк бир ютуғимиз борки, унинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Мен буни замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган соғлом ва баркамол авлодимиз тимсолида кўраман.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб, ўзининг навқирон азму шижоатини намоян этиб ўтирган, менинг фарзандларим бўлган сиз ўғил-қизларимиз, сизлар орқали бутун юртимиз ёшларига қарата айтмоқчиман:

Азиз болаларим, Оллоҳнинг назари тушган, Ўзбекистон деб атал

миш гўзал ва бетакрор ўлкада туғилиш, унинг бағрида камол топиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Ана шу ҳақиқат ҳар бирингизнинг қалбингиздан, юрагингиздан чуқур жой олишини истардим. Ватан севгиси, Ватанга садоқат туйғуси сизларга умрбод ёр бўлсин.

Не-не оғир синовлар, тўфон ва суронларни бошдан кечириб, қанча-қанча қурбонлар бериб, она юртимизни омон сақлаган, бизга безавол етказган аждодларимиз, ота-болаларимизнинг бу йўлда қандай қатта меҳнатлари сингганини ҳеч қачон унутмаслик, уларнинг хотираси ва ҳурматини жойига қўйиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Мана шундай ҳиссиётларни қалбдан ўтказиб, барчамиз учун яққо ягона бўлган Ватанимизни янада гуллаб-яшнатиш, унинг ёруғ ва фаровон келажаги учун бутун борлигимизни бағишлаб, керак бўлса, жонимизни фидо этишга ҳам тайёр бўлиш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, десам, ўйлайманки, сиз азиз фарзандларимнинг дилида бўлган олижаноб туйғуларни ифода этган бўламан.

Азиз дўстларим, қадрли ватандошларим!

Бугунги улуг айёмнинг муборак Рамазон ҳайити билан айнан бир пайтга тўғри келгани ҳам Яратганимизнинг эл-юртимизга кўрсатган яна бир инояти ва марҳамати, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Барчангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан, Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан муборакбод этиб, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барақа тилайман.

Буюк ва муқаддас Ватанимиз мангу бор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Саҳна четига ўрнатилган замонавий тасвир техникаси барчаннинг нигоҳини ўзига жалб қилади. Экран орқали ноёб тарихий лавҳалар — Ислам Каримов 1991 йил 31 августда мамлакатимизни мустақил деб эълон қилиши билан боғлиқ тасвирлар намойиш этилади:

"...Мен шу бугундан эътиборан биринчи сентябрни жумҳуриятимизда мустақиллик кунини, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман..."

Халқимиз орзу қилган бу тарихий сўзлар, бу лаҳзалар асрлар давомида гурур ила ёдга олинажак, бугунги ва келгуси авлодлар қалбидан сира ўчмаган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Байрам иштирокчилари озодлик кўшиғига жўр бўлади, минг-минглаб юраклардан отилиб чиқаётган садо-лар бутун дунёга таралаётгандек. Аслида ҳам шундай. Миллий байрамимиз тантаналарини эзликдан ортқ мамлакат сунъий йўлдош ёрдамида бевосита телевизорда томоша қилиш имконига эга бўлди, интернет тармоғи орқали Ўзбекистон бош тўйи дунёнинг барча гўшаларида акс-садо берди.

Мадҳиямиз садолари остида муаззам майдоннинг икки томонида ёрқин рақамлар билан «1991 йил» ва «20 йил» саналари, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган ёзув битилган зарҳал паннолар намоян бўлади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Президентимиз Ислам Каримов қатъий ишонч билан "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" деган ғояни илгари сурди. Бу шунчаки орзу эмас, халқимизнинг буюк тарихи, беқиёс имкониятларига ҳар томонлама муносиб, реал мақсад эканини таъкидлаб, унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий асосларини чуқур исботлаб берди.

Ўтган давр мобайнида амалга оширилган кенг кўламли ишлар, эришилган беқиёс натижалар халқимиз ҳақиқатан ҳам ана шундай буюк келажақни ўз кучи билан барпо этишга қодир эканини тасдиқламоқда.

...Чироқлар байрам аҳли эътиборини паннолардан улкан экранлар томон тортади. Экранларда мустақил Ватанимиз Мадҳияси, Байроғи, Герби, Конституцияси қабул қилиниши, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси пештоқида юртимиз байроғининг ҳилпираб туршиши, Президентимизнинг БМТ минбаридан нутқ сўзлаётгани ва халқаро доиралардаги учрашувларидан лавҳалар, истиқлол йилларида юртимизда бунёд этилган улғувор ишоотлар, замонавий қиёфа касб этаётган шаҳар ва қишлоқларимиз, турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган ватандошларимизнинг қайноқ иш жараёнлари ва мамлакатимиз ёшларининг турли соҳаларда эришаётган ютуқларини акс эттирувчи видеотасвирлар намойиш этилади...

Қалбларимиздаги эзгу ҳиссиётларга ҳамоҳанг бу ҳаяжонли тасвирлар мустақиллик солномасини варақлагандек, кўз ўнгимизда йигирма йиллик тарих ўтгандек бўлади.

Мустақиллигимиз пойдевори 1989 йилда, Ислам Каримов мамлакатимизга раҳбар этиб сайланган, таҳрир ситамларга дучор бўлган, боши узра қора булутлар қуюқлашган халқимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг қаддини тиклашга мардона киришган пайтдан бошлаб қўйилган эди.

Мустақиллик арасида иқтисодиёти ҳар томонлама марказга қарам бўлган, асосан арзон хом ашё етиштириб берувчи Ўзбекистонда аҳвол оғир эди. Экин майдонларининг асосий қисмини пахта эгаллаган. Бор-йўғи 8-10

фоиз майдонда бугдой, 0,8 фоизда картошка етиштирилди. Халқнинг оғир меҳнати эвазига етиштирилган пахта арзон-гаровга марказга ташиб кетилган. Ҳамма ёқни гўза майдонлари «эгаллаб олгани» тўғрисида, мева ва сабзавот етиштириш қамайиб, бори ҳам вагонларда шимолий ўлкаларга жўнатилган.

Ислам Каримов ташаббуси ва қатъияти билан 1989 йил август ойда шахсий томорқа хўжаликлари ва уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида махсус қарор қабул қилинди. 1989-1990 йилларда 1,5 миллиондан зиёд оиланинг томорқа участкалари кенгайтирилди, 700 минг янги оила томорқали бўлди.

Томорқа хўжаликлари майдонининг ўсиши, унга бўлган эътиборнинг кучайиши ўша пайтда ниҳоятда ўткир бўлиб турган бир қатор ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имконини берди. Аҳолининг даромади олиш манбалари кенгайди, ўта кескин тус олган муаммо — уй-жой қуриш масаласи бироз ўшмади, ортқича ишчи кучи иш билан банд этила бошланди.

Ўзбек тилига 1989 йилда давлат тили мақоми берилгани, 1990-1991 йилларда Наврўз байрами қайта тиклангани, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари байрам ҳамда дам олиш кунлари деб эълон қилинган халқимизнинг асрий орзу ва армонлари рўёбга чиқиши, миллий қадр-ятларимиз тикланиши йўлидаги дастлабки йирик қадамлар бўлгани алоҳида таъкидлаш даркор.

1990 йил 24 март куни иттифоқдош республикалар ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик лавозини таъсис этилди. Бу улкан жасорат бўлиб, давлат суверенитети ва мустақилликка эришиш йўлидаги қатта қадам эди.

...Майдон узра байрам садолари янграб, чор-атроф чироқлар нуридан чароғон бўлиб, яшнаб кетади. «Она тупроқ» кўшиғи янграйди...

Йигирма йил. Мустақиллигимиз солномасида бу давр мазмун-моҳиятига қўра, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш ва уни юксалтириш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида зарҳал харфлар билан муҳрланди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин орадан атиги бир йил ўтиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва миллий давлатчилигимизни қайта тиклаш йўлидаги залворли қадам бўлди. Теран тарихий илдишларимиз, кўп асрлик таърихи ва маънавий қадр-иятларимиз, аждодларимизнинг ҳуқуқий мероси, халқимизнинг орзу ва интилошлари чуқур сингдирилган Конституцияимизнинг ҳаётий негизи жуда мустаҳкамдир.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бош вазифа этиб белгиланди. Мамлакат сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик муҳити қарор топди, нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти такомиллаштирилди, суд-ҳуқуқ тизимида, оммавий ахборот воситалари, маънавий-ахлоқий соҳаларда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.

Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини таъминлашда суд органлари муҳим ўрин тутди. Шу маънода суд ҳокими янги нафислиги ошди, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ролини янада кучайтириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ўлим жаосининг бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши халқимизга хос бағрикенглик, инсонпарварлик фазилатларининг яна бир намойиши бўлди. Бу бутун дунёда улкан қизиқиш ва эътибор уйғотди.

Президентимизнинг мамлакатимиз парламенти палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги маърузасида баён қилинган концепцияда белгилаб берилган вазифалар суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни ҳам демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги талабларга монанд ҳолда изчил давом эттиришга хизмат қилаётди.

Фидойилар хотирасига эҳтиром

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Хусниддин БЕРДИЕВ, ЎЗА мухбири

31 август. Тонг. "Шаҳидлар хотираси" хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлганларни ёд этиш маросими ўтказилди. Анъанага қўра ош тортилди. Куръон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Тарихий хотирасиз келажақ йўқ. Бунинг нақадар асосли ва теран маъно-мазмунга эга экани Ватанимиз истиқлолининг йигирма йиллиги нишонланаётган шу кунларда яна бир бор ўз ифодасини топмоқда.

Биз мустақиллик, тинчлик-осойишталик каби неъматларнинг нақадар улуг ва қадрли эканини аввало ана шу йўлда курашган, керак бўлса жонини фидо қилган инсонлар тимсолида, уларнинг мураккаб ҳаёт йўлида кўрамиз, деди Президентимиз Ислам Каримов. Маълумки, мустақиллик тузумдаги мудҳиш қатагонлар, аввало, миллатимизнинг энг сара фарзандлари — зиёлилар, маънавият, маърифат вакиллари бўлган минглаб инсонларнинг умрига зомин бўлди. Уларнинг қадр-қиммати топталди, ҳаёти поймол этилди.

Мамлакатимиз ўзининг мустақил тараққиёт йўлидан борар экан, тарихий адолат қарор топди. Халқимизнинг миллий ва маънавий дунёсини юксалтириш ана шу тарихий ҳақиқат, аждодларимизнинг кўрсатган жасорати ва матонати, фидойилиги тимсолида амалга оширилаётгани алоҳида аҳамият касб этади. Бу бугунги фаровон ҳаётимиз, хотиржам ўтказаятган кунларимиз, юртимиздаги тотувлик ва бирдамликни асраб-авайлаш, қадрига етишда фарзандларимиз учун қатта ибрат мактаби

дир. Ешлар ўз юртини севиши учун аввало ота-боболарининг жасоратини, хозирги ёруғ кунларга қандай машаққат ва қийинчиликлар эвазига эришилганини теран англаши, шунга муносиб бўлиши лозим, деди Президентимиз.

Биз истиқлолнинг дастлабки кунлариданок демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, халқимиз асрлар давомида орақиб кутган озоод, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйдик. Йигирма йиллик тараққиёт йўлимизга назар солсак, олдимиизга қўйган ана шу олий мақсадларга эришиш, том маънода буюк давлат барпо этиш йўлида қандай улкан қадамлар қўйилганини кўриш, сезиш қийин эмас.

Тошкент-Самарқанд йўналиши бўйича қатнай бошлаган тезорар поезд истиқлолимизнинг йигирма йиллиги нишонланаётган кунларда халқимизга муносиб тўхфа бўлди. Бир пайтлар бундай замонавий, соатига 250 километр тезликда ҳаракатланадиган поездларнинг заминимизда қуриши, ундан халқимиз фойдаланиши кўпчилик тасаввурига ҳам сиздирилмасди.

Тарихан қисқа даврда биз ана шундай бетимсол ютуқларга эришмоқдамиз, деди давлатимиз раҳбари. Бугун бундай поезд дунёнинг бор-йўғи санкизтагина давлатида бор. Истиқлол тўғрисида Ўзбекистон ҳам ана шундай жуда кам сонли илгोर мамлакатлар сафидан жой олди. Бу нафақат темирйўлларимизнинг, балки бутун халқимизнинг ютуғидир.

Кўни кеча ишга туширилган автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган "General Motors Powertrain Uzbekistan" қўшма корхонасини олайлик. Бу улкан ва замонавий заводда ўзимизнинг ёшларимиз меҳнат қилаётти. Улар энг замонавий технологияларни бошқармоқда. Бу корхонадан чиққан маҳсулотлар дунёнинг ўнлаб давлатларига экспорт

қилинади. Бундан фахрланмай, гурурланмай бўладими, деди Президентимиз.

Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб мана шундай мураккаб технологияли ишлаб чиқариш корхонасини бунёд этди. Бир пайтлар Ўзбекистоннинг автомобиль ишлаб чиқара олишига ишончсизлик билан қараганларнинг истехозиси асоссиз эканини ҳаёт исботлади. Булар халқимиз улкан бунёдкорлик салоҳиятининг самараларидир.

Кўлга киритаётган ютуқларимиз кўпайгани сари халқимизнинг фаровонлиги, турмуш маданияти ва салоҳияти ҳам юксалиб бораверади. Юксак маданият ва салоҳиятга эга халқ эса янги-янги марраларни кўлга киритаверади, деб таъкидлади Ислам Каримов. Ўтган йигирма йил мобайнида халқимизнинг онгу тафаккури бутунлай ўзгарди. Бугун халқимиз замонавий, юксак даражадаги шарт-шароитда ҳаёт кечиришга ўрганди. Буларнинг барчаси истиқлол йилларида олдимиизга қўйган, биз ҳеч қимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам, деган ҳаётий мақсаднинг амалдаги ифодасидир.

Мустақил Ўзбекистонимизни дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқиш, халқимиз учун бундан ҳам юксак даражадаги шарт-шароитларни яратиш бизнинг эзгу мақсадимиздир, деди Президентимиз. Ўзини шу муқаддас Ватанимиз келажаги учун дахлдор деб биладиган ҳар бир инсон буни нафақат яхши англайди, балки шунга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Муқаддас айёмларнинг қўшаюқ келиши ҳам юртимизга ёғилаётган хайр-барақа, эртанги кунга бўлган ишонч ифодасидир.

Шу кун Президентимиз Ислам Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар

қўйди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда амалга оширилган ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари билан таънишди.

Юртимизнинг бош майдони ва унга туташ бўлган Анҳор бўйи сўнгги йилларда гоат қўрқам ва сўлим масканга айланди. Серёса дарахлар, турфа гуллар, оқаётган зилол сув — бу бетакрор манзара майдонга ўзгача гўзаллик ва осудалик бағишлаган.

Сўлим майдон ҳамшиша юртдошларимиз, пойтахтимиз меҳмонлари билан гавжум. Нурунийлар, навқирон йигит-қизларнинг юз-кўзида қувонч, шоду-хуррамлик ифодаси зухур этган.

Пойтахтимиз ва юртимизнинг барча жойлариди яратилаётган мана шундай гўзал ва хушманзара масканлар аввало юртимиз тинчлиги ва осойишталигининг ўзига хос кўриқдир, деди Ислам Каримов. Бундай масканлар инсонни эзгуликка ундайди. Гўзаллик эса яхшилик, эзгулик туйғусини яратади, одамлар қалбида меҳр-оқибат, ўзаро ҳамкорлик ришталарини ривожлантиради. Шунинг учун бундай хушманзара жойларни юртимизнинг барча худудларида янада кўпайтириш даркор.

Халқимизда "Кўш уясида кўрганини қилади", деган гап бор. Шу боис фарзандларимиз тарбиясида бундай сўлим масканларнинг ўрни беқиёс. Чунки инсон психологияси шундай: нимани кўрса онги, тафаккури ҳам шунга қараб бораверади. Бунинг аҳамиятини, теран мазмунини халқимизга янада чуқурроқ етказиш зарур, деди Юртбошимиз пировардида.

Президентимиз майдон атрофини ободонлаштириш, ландшафт-дизайнини янада такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам монумент пойига гулчамбарлар қўйилди.

МУҚАДДАС ВАТАННИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

Истиқлол туфайли Ўзбекистон учун дунё эшиклари очилди. Аслида мамлакатимиз мустақил ташки сиёсатининг тамал тоши Президентимиз Ислам Каримовнинг 1991 йил 17-19 август кунлари Ҳиндистон Республикасига илк расмий ташрифи асносида қўйилган. Бу том маънода тарихий сафар бўлиб, Ўзбек давлатчилиги тарихида, халқимиз ҳаётида мисли қўрилмаган муҳим воқеа эди. Ташрифнинг яна бир муҳим жиҳати шунда эдики, ўша вақтда собиқ иттифоқдаги бирор-бир республика раҳбари мустақил равишда, юрак ютиб, расмий ташриф билан хорижга чиқолмасди.

Президент Ислам Каримов ҳинд дийрида юксак эҳтиром билан кутиб олинди. Ташриф давомида Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида иқтисодий, савдо, илмий-техникавий, маданият, санъат, таълим, илм-фан, сайёҳлик, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳаларида ҳамкорликка оид битимлар имзоланди.

Президентимиз Ислам Каримов мамлакатимиз мустақиллигининг 1 йиллик байрами тантаналарида сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Бугун Ўзбекистон Республикаси — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси, республикаимиз кўпгина обрўли халқро, давлатларро ташкилотлар ва кенгашларга тақлиф қилинди ва уларнинг ишида фаол қатнашапти. Республикаимиз 120 дан ортиқ мамлакат тан олди. Эллика яқин давлат билан дипломатия муносабатини ўрнатдик. Бугун жаҳон сармоядорлари ҳам Ўзбекистоннинг ишончли ва кучли шерик эканига амин бўдилар. Энг муҳими, дунё ахли меҳнатқаш, ҳалол, ўз туپроғининг жонқуяр эгаси бўлган ўзбек халқини тан олди ва таниди».

Эътибор беринг: бир йилда элликдан зиёд давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатилган. Бу гапларни, бу рақамларни айтиш осон, айниқса, бугун. Аммо эътибори мустақилликка эришган ёш давлат учун бундай кўрсаткичлар ҳазиллакам иш эмас. Бунинг устига дастлабки алоқалар дунёнинг манақан деган давлатлари билан йўлга қўйилган. Бу, аввало, Президентимизнинг сайёҳ-харакатлари туфайлидир. Қолаверса, юртимизнинг, халқимизнинг юксак салоҳиятидан далолат беради. Чунки ҳеч бир давлат, ҳатто ҳеч қандай инсон тўғри келган мамлакат ёки учраган одам билан ҳамкор дўст бўлиб кетармайдди. Қўл узатишдан олдин ҳамма нарсани обдон ўйлайди, ҳамкорликка, дўстликка қанчалик аришини, саноқдорлиги тарозига солиб қўради.

Ўзбекистон 20 йил давомида ўз сўзида қатъий тура оладиган, айтганини қиладиган давлат эканини яққол исботлаб келмоқда. Мамлакатимиз дунёнинг 130 га яқин давлати билан дипломатик алоқалар ўрнатгани бунинг далилидир. Пойтахтимизда қирқдан зиёд давлатнинг элчихонаси, кўплаб нуфузли халқро ташкилотларнинг ваколатхоналари ишлаб турибди.

Мамлакатимиз БМТ, МДХ, ШХТ сингари халқро тузилмалар доирасида жаҳон ҳамжамияти ва минтақа давлатлари билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликни амалга оширмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли, узоқ муддатли алоқалар ўрнатган ҳамкорлари кўп. Шу тариқа юртимиз ҳаётбахш ислохотлари, демократик ўзгаришлар йўлида собитқадамлиги, мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг хурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

«...«Аждодларнинг боқий руҳи бизга мададкор» деб номланган набатдаги театрлаштирилган композиция давомида буюк боқонокларимизнинг ҳаёти ва фаолиятига оид лавҳалар мониторинг орқали намойиш этилади.

Юртимиз ҳудуди узоқ асрлар давомида Буюк ипак йўли орқали Шарқ ва Ғарбни бир-бири билан боғлайдиган кўприк бўлиб хизмат қилган. Шу боис дийримиш турли цивилизация ва маданиятлар ўзаро туташган муҳим чорраха, умуминсоний тараққиётга беқиёс хисса қўшган юрт сифатида танилган.

Истиқлол туфайли аждодларимиз томонидан яратилган бой маънавий-маданий меросимиз қайта тикланди. Умумбашарий қадриятларга йўғун бўлган миллий ва диний қадриятларимиз бойиб, ривож топиб бораётди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Мирзо

Улугбек, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий, Имом Бухорий, Абдуҳолиқ Фихрувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотурудий, Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Аҳрор Валий сингари улуг боболаримизнинг таваллуд саналари кенг нишонланди, уларнинг мероси ўрганилмоқда.

Тарихи неча минг йилларга бориб тақалладиган кўҳна ва ҳаммиса навқирон шаҳарларимиз юбилейни халқро миқёсда нишонлаш аъна тусини олди. Самарқанд, Хива, Бухоро, Шахрисабз, Қарши, Термиз, Марғилон, Тошкент сингари қадим ва муаззам шаҳарларимизнинг тўйларини нишонлаш асносида тарихимизни янада теран ўргандик, шаҳарсозлигимиз, маданиятимиз илдишларини чуқур тадқиқ этдик, шундай улуг юрт фарзанди, шавқатли аждодлар ворислари эканимиздан чексиз фахру ифтихор туйдик. Халқимиз даҳосининг бой маданий-маънавий қадриятларидан саналган «Авесто»нинг 2700 йиллиги, «Алпомиш»нинг 1000 йиллиги, Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги катта байрам қилинди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан 1992 йилда мамлакатимизнинг беш тамойилга асосланган узоқ муддатли ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилди. Иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган соҳалари — энергетика сектори, олтин қазийш, рангли металлургия, автомобилсозлик, енгил саноат, газ-кимё саноатини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилди. Юртимизда автомобилсозлик, электроника каби янги тармоқлар йўлга қўйилди, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури импортни қисқартириш ва минглаб янги иш ўринлари яратиш имконини берди. Кизилқум фосфорит, Бухоро нефтини қайта ишлаш, Аска ва Самарқанд автомобил, Қўнғирот сода, Деҳқонобод калий ўғитлари, Хонжиза полимер металл рудалари заводлари, Шўртан газ-кимё мажмуаси каби йирик корхоналар бунёд этилди.

Собиқ тузум даврида наинки автомобил, балки оддий велосипедни ҳам четдан олган ўзбек халқи истиқлолнинг бешинчи йилдаёқ ўзининг автомобил заводига эга бўлди. Президентимизнинг узоқни кўзлаб олиб борган сиёсати туфайли юртимизда автомобилсозлик саноати йўлга қўйилди. Бир пайтлар бир машина олиш учун неча йиллар навбат кутган, кўпинча ораурига етолмай кетган юртдошларимиз бугун автомобилни танлаб олиш имкониятига эга. Энг асосийси, ўзимизнинг автомашинамиз. Бу автомобиллар бугунги кунда нафақат Ўзбекистон кўчалари, балки ўнлаб хорижий мамлакатлар кўчаларини безаб юрибди.

Ўзбекистон дунёда асосий пахта етиштирувчи мамлакатлардан биридир. Аммо 1991 йилгача хомашининг тайёр ва яримтайёр маҳсулотларга айлантирилиши ҳажми 7-10 фоиздан ортаган. Мустақиллик йилларида ўнлаб тўқимачилик корхоналари модернизация қилинди ва янгилари барпо этилди. Ушбу корхоналар бугунги кунда нафақат калава ва мато, балки тайёр трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Юртимиз азалдан ўзининг уста деҳқонлари, қўли гул хунармандлари, тадбиркор инсонлари билан машур бўлган. Бугунги кунда барча фуқаролар ўз ташаббуси ва тадбиркорлик хусусиятларини амалда намояна эта олиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. 2011 йил мамлакатимизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинган сиёсатимиз тасдиқидир.

Ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолиимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда ушбу соҳа энг асосий омиллардан бирига айланган. Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 31 фоиздан кўпи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52 фоиздан ошди.

«Ватан ягонадир, Ватан биттадир». Майдонда таралаётган қўшиқ сеҳридан диллар сурурга тўлади. Кўнгилларга ўқтамлик бағишловчи дилтортар мусиқага ҳамоҳанг рақслар қанотида бунёдкор эл қураётган овоз ва обод Ватан манзаралари кўз ўнгимизда намояна бўлади.




Байрам дастури орқали ифода этилаётган истиқлол йилларида қўлга киритаётган улкан ютуқларимизга боқиб, ана шундай бунёдкор халқ яшайдиган юртининг келажаги, шубҳасиз, буюқдир, деган қатъий ишонч янада мустаҳкамланди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ коммуникация ва транспорт тармоқларини ривожлантиришга иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралди. Юртимизнинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шарт-шароит яратадиган, халқро транспорт йўлақлари ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқишини таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмаси янгиланди. Юртимизнинг йирик шаҳарларидаги ҳаво дарвозалари — аэропортлар зamon талаблари асосида реконструкция қилинди. Темир йўл вокзаллари зamon руҳига мос равишда янги қиёфа касб этди.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларини Фарғона водийси билан боғлайдиган Қамчиқ довоғидики ерости йўлаги қурилди. Навоий-Учкудук-Мискин-Султон Увайстоғ-Нукус йўналишидаги темир йўл ҳамда Амударё узра поезди ва автомобиллар қатнайидиган улкан кўприкнинг бунёд этилиши Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси учун улкан қўлайлик яратибди қолмай, йўловчи ва юк ташийш мурдатиди, харажати кўпайтирди. Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон йўналишидаги темир йўл эса жанубий вилоятларимизнинг иқтисодини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Испаниянинг «Patentes Talgo» компанияси билан ҳамкорликда «Тошкент-Самарқанд» темир йўл участкасида МДХда биринчи юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоезд қатнови йўлга қўйилди.

Кишлоқ ҳўжалиги соҳасида олиб борилаётган илчил ислохотлар ўзининг ҳаётбахш самараларини бермоқда. Ер ўзининг ҳақиқий эгаси — деҳқонга топширилган. Ҳозир юртимизда 66 мингдан ортиқ фермер ҳўжалиги фаолият юритмоқда. Жорий йилда 6 миллион 800 минг тонна галла етиштирилди. 1991 йилда юртимизда 940 минг тонна галла етиштирилиб, ҳўсилдорлик 17 центнерни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткични 2011 йилги хирмон билан солиштирадиган бўлса, тайёрланган дон маҳсулотининг умумий ҳажми 7 баробардан зиёд, ҳўсилдорлик эса 3 қарра ошгани аён бўлади. Эндиликда нафақат галла бўлган ўз эътиёжларимизни тўла қондираётганимиз, балки уни экспорт қилаётганимиз барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

«Даврага болалар қийиб келадилар. Беғубор болалик — эркин ва овоз, тинч ва осийишта ҳаёт рамзидир. Фарзандлари жисмоний соғлом, маънавий баркамол элнинг эртанги кун янада обод ва фаровон бўлади. «Тантана», «Томоша», «Севинч», «Соната» ва бошқа болалар бадийи жамоалари «Бу бўстон бизники!» вокал-хореографиял ком-позициясини ижро этадилар. Ҳеч кимдан кам бўлмай воёга етаётган беғубор авлодга боқиб дилингиз яйрайди, ҳавас қиласиз. Кувонқ ва



серзавқ ўғил-қизларимиз ўзларининг бахтли болалиқни мадҳ этувчи қўшиқлари билан қалбларимизга умид ва ишонч уйғотди. Улар хур Ватанда туғилдилар, истибод зулми ва таҳқирдан холи равишда униб-ўсдилар. Қудратли тарихга ворис бўлган, ўз ўтмишидан гурурланишга ҳақли, улугвор маънавий булоқлардан баҳра олиб камолга етган авлодларимизнинг эртанги кун и ёруғ бўлиши шубҳасиздир.

Президентимиз Ислам Каримов айтганидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Уларни қомил инсонлар этиб воёга етказиш, бахти ва қамол и учун ҳеч нарсани аямаслик давлатимиз ва жамиятимизнинг устувор вазифаларидан этиб белгиланган элнинг юксак самараларини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётга таъбиқ этилиши таълим сифати ва мазмун-моҳиятини тубдан яхшилаш имконини берди.

Бугун мамлакатимизнинг олис кишлоқларида ҳам қад кўтарган замонавий мактаб, лицей ва касб-хўнар коллежларида ўқувчиларнинг таълим олиши ва касб-хўнар эгаллаши учун барча шарт-шароит яратилган. Бу эзгу ишларнинг бари Ватан келажаги, миллат истиқболига гамхўрликнинг амалий ифодасидир.

...Майдонда спорт саломатлик, мардлик ва гўзаллик гарови эканини акс эттирувчи ранг-баранг саҳна кўринишлари намойиш қилинади. Жаҳон ва қитъа миқёсидаги нуфузли спорт беллашувларида юртимиз байроғини баян қўйган машур спортчиларимиз, жумладан, футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар тарма жамоаси аъзолари саф тортиб ўтадилар.

Истиқлол йилларида юксалиб бораётган куч-қудратимиз, салоҳиятимиз дунё спорт майдонларида эришаётган галабаларимизда ҳам намояна бўлмоқда. Бугун ўзбек болалари дунё ареналарида юрт байроғини баян қўйиб кўтармоқда. Узининг ақлу заковати билан олам аҳлини лол қолдирган, 24 ёшда шахмат бўйича жаҳон чемпиони тожини қийган Рустам Қосимжон қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни, халқимизнинг интеллектуал салоҳияти нақадар юксаклигини дунёга яна бир бор намойиш этди. Шу йил футбол бўйича Мексикада ўтган жаҳон чемпионатида ўсмирларимиз қўрсатган натижа барчамизга гурур бахш этди.

Миллат саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилдиган, дунё таърибасида қузатилмаган уч босқичли узуқисиз спорт тизимининг қашф қилиниши юртимизда соғлом авлод воёга етаётганидан, эртанги кунимиз эгаларининг илги тўқ, суяги бакуватлигидан шаҳодатдир. Мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Умид ниҳоллари», касб-хўнар коллежлари ва академик лицей ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ва олий ўқув юрлари талабаларининг Универсиада спорт мусобақаларидан иборат бу тизим биринчи синф ўқувчисидан

то олий ўқув юрлари талабаларигача ўзига қамраб олди.

Болалар спортини янада ривожлантириш, шаҳар ва кишлоқларда замонавий талабларга жавоб берадиган, зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари, иншоот ва мажмуаларни барпо этиш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Истиқлол йилларида юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилиб, уларнинг мингдан ортиги кишлоқ жойларда қурилди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида илчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар юртимизда инсон умри, унинг сиҳат-саломатлиги олий қадрият сифатида амалда улуғланаётганидан яна бир далолат. Тизим моддий-техник базасининг муттасил яхшиланиши, етук мутахассислар тайёрлашга эътибор ва тиббиёт ходимларининг ҳар томонлама моддий ва маънавий қўллаб-қувватланиши натижасида соҳада улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими миллий модели шакллантирилди. Мутлақо янги ва яхлит шошилинч тиббий ёрдам тизими ташкил этилди. Барча вилоятлар марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт марказлари фаолият йўлга қўйилди. Аҳолига дастлабки тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими ислох қилиниб, кишлоқ врачлик пунктлари тармоғи ташкил этилди. Айни пайтда мамлакатимизда 3 минг 200 дан зиёд кишлоқ врачлик пункти ишлаб турибди.

Мамлакатимизда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўйича юксак самарали замонавий тиббиёт муассасалари тизими яратилган. Барча вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари ташкил этилган. Шу билан бирга перинатал марказлар тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда.

Бир қатор нуфузли халқро институтларнинг баҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қўлай шароитлар яратиш ва оналиқни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Буни ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси томонидан оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда Ўзбекистоннинг минтақадаги намунавий модель сифатида эътироф этилгани ҳам исботлайди.

«...Дийрди бу». Она заминимиз юксак пардаларда тараннум этилган алёб таърибасида қузатилмаган уч босқичли узуқисиз спорт тизимининг қашф қилиниши юртимизда соғлом авлод воёга етаётганидан, эртанги кунимиз эгаларининг илги тўқ, суяги бакуватлигидан шаҳодатдир. Мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Умид ниҳоллари», касб-хўнар коллежлари ва академик лицей ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ва олий ўқув юрлари талабаларининг Универсиада спорт мусобақаларидан иборат бу тизим биринчи синф ўқувчисидан

лаётган ислохотлар ислохот учун эмас, инсон учун, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун хизмат қилмоқда. Биргина мисол, бугунги кунда юртимиз мобил алоқанинг ривожланиш кўрсаткичи бўйича дунёда олдинги ўринда турган ўнта мамлакат қаторига қиради. Агар ўн йил аввал мамлакатимиз аҳолисининг ҳар минг нафарига 4 дона мобил телефон тўғри келган бўлса, бугун бу кўрсаткич 600 данадан ошиб кетди. Кишлоқ жойларда одамларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга қаратилган улкан ишлар ўз самараларини бермоқда. Бугунги кунда ҳар 100 оилага ўртача 132 телевизор, 99 холодильник, 27 дан ортиқ енгил автомобиль тўғри келаятгани ҳам аҳоли даромади ва фаровонлиги ошиб бораётганидан далолат беради.

«...Ватанга қасамёд». Майдон узра ҳарбий мусиқа садолари янграйди. Саҳнага шахдам қадамлар билан мард ва жасур ўғлонларимиз — Ватан ҳимоячилари кириб келадилар. Улар она Ватанимизни мадҳ этиб, Қуролли Кучларимиз қудратини намойиш этади. Ашула ва рақс ансамблларининг ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқлари янграйди...

Эл-юртимиз тинчлиги, осийишталиги ишончли қўлларда. Ўзбекистон — ўзининг ҳудудий яхлитлигини сақлашга, ўзини ўзи муҳофаза қилиш, мустақиллигини асрашга қодир давлат. Истиқлол йилларида мутлақо янги асосда, сон жиҳатдан илчм, замонавий, ҳар қандай синовларни енгишга қодир миллий Қуролли Кучларни ташкил этиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Бугунги кун талабларига жавоб берадиган тезкор, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, жанговар қобилият ва тайёргарликка эга, ҳар қандай ёвуз қучга муносиб зарба беришга қодир бўлган миллий армиямиз билан ҳар қанча фархланас арзийди.

«Лазги». Халқ термасининг жозибаси саҳнада зару зебога ўраниб хиром қилаётганларини эмас, балки уни томоша қилаётган серзавқ юртдошларимиз қалбини ҳам тўлқинлантириб юборди. Ҳа-да, севики байрамимизни ҳар қанча қувонч шоҳликлар билан нишонласас арзийди. Зеро, кўнгилларга қўчган байрамларнинг нашидаси ҳам тотли ва бардавом бўлади.

«Она юрт». Муаззам саҳнадан таралаётган бу қўшиқ гўзал киру адилларимизда, далау даштларимизда, пушворк тоғларимизда, файзли кишлоқларимизда, мафтункор шаҳарларимизда акс-садо беради. Бу ашула гўё барчамизнинг қалбимиздан чиқаятандек. Ҳа, киндик қонимиз томган ота маконимиз, жонажон Ватанимиз вафқ этувчи тароналар юракларни жунбушга келтириди, кишига ўзгача завқ-шавқ бағишлайди, эзгуликка ундайди, бунёдкорликка чорлайди...

Самода ранг-баранг мушаклар жило соҳади. Ездурларга боқиб қалбларимиздан ҳаяжон тошади.

Дилимиздаги энг буюк ниятлар тилга қўчади:

— Истиқлолнинг абадий бўлсин, она Ватанимиз!

— Улуг-ўғийн муборақ бўлсин, буюк ва муқаддас Ватаним — мустақил Ўзбекистон!

Олим ТўРАҚУЛОВ,
ЎЗА шарҳловчиси



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Изчил ислохотлар самараси



Абдуқодир ТОШКУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси.

— Маълумки, ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати, аввало, фуқаролик жамиятини шакллантириш, одамларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини рўйбга чиқариш, ўрта қатлам вакиллари учун қўлай имкониятлар яратишга қаратилган изчил

ислохотларда ўз аксини топади. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ана шу мезонга қатъий амал қилинмоқда.

Ўтган давр мобайнида хусусий мулкни давлат ҳимоясига олиш, мулкдорлар сафини кенгайтириш, кишлқода фермерлик ҳаракатини етакчи кучга айлантириш, иқтисодий янада либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришга йўналтирилган юзлаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2005-2009 йиллардаги фаолиятини таҳлил этсак, молия соҳасида 19 та, солиқ муносабатларига оид 22 та, банк тизимини такомиллаштириш бўйича 7 та, қимматли қоғозлар

бозорини тартибга солишга қаратилган 6 та, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир 18 та ҳамда бошқа йўналишларда 16 та қонун қабул қилинганига гувоҳ бўламиз.

2010 йилда эса депутатларимиз томонидан иқтисодий таълуқли 14 та қонун қабул қилингани, амалдаги қонунларнинг ижроси юзасидан 17 та назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилгани мустақиллик йилларида мазкур соҳага қанчалик катта эътибор

қаратилганини кўрсатади.

Айни пайтда O'zLiDeP ўрта синф манфаатларини ҳимоя қилаётган сиёсий куч сифатида Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш йўли билан ўрта синф вакиллари ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли акс эттиришга интилоқда.



Клара ЖУМАМУРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси.

— Истиқлол йилларида ўзини тўла оқлаган «Ўзбек модели»нинг асосий жиҳатларидан бири шундаки, унда мулкчиликнинг турли шакллари, биринчи навбатда, хусусий секторнинг иқтисодий таъкирати қилиниши эътиборга олинган.

Бирок мазкур соҳани иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатланувчи кучга айлантириш осон кечмади, албатта. Собқинттиқ даврдаги иқтисодийнинг бир ёқлама ривожланишини бартараф этиш учун да-

стлаб асосий эътибор маълумий-буйруқбозларнинг қўллаб-қувватлашга қаратилди. Фуқаролик, Ер, Солиқ, Божжона кодекслари, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Банк ва банк фаолияти тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунлар айнан ана шу мезон асосида қабул қилинди. Кейинги босқичда эса «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида», «Ташқи

иқтисодий фаолият тўғрисида», «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги 400 дан зиёд

ларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш мақсадида барча минтақаларимиз

маҳсулотни қачон, қанча, қаерга, қим учун ишлаб чиқариш керак, деган масалани мустақил ҳал

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

Аҳоли жон бошига реал пул даромадларини, аввало, хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолиятдан олинандиган даромадлар эвазига **3,7** баробар ошириш таъминланди. Айни пайтда хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолиятдан олинандиган даромадлар аҳоли умумий даромадининг **47** фоизини ташкил этмоқда.



Насим АЛИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси.

— Тадбиркор бу — бозорга янги гоа, янги маҳсулот ва хизматлар билан кириб боруви ишбилармон шахс. Демак, унинг фойда олиши ва жамиятга наф келтириши учун муайян имконият ва имтиёзлар зарур бўлади. Шу маънода, 1994 йилнинг январь ойида Президентимизнинг «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тад-

бирлари тўғрисида»ги фармони ўша пайтдаёқ хусусий мулкка бўлган муносабатни тубдан ўзгартирган муҳим ҳужжат, дея баҳоланган эди. Ана шу фармон тўғрисида ҳам мамлакат иқтисодий сиёсатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳал қилувчи кучга айлана бошлади. Тўғри, дастлабки йилларда одамларнинг мулкка, мулкдорга нисбатан фикрини ўзгартириш қийин кечди. Ўша даврларда давлат-

тимиз раҳбарининг иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қаратилган концептуал чиқишлари, турли учрашуларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат учун устувор йўналиш экани қайта-қайта таъкидланганининг боиси ҳам ана шунда эди. Эътибор беринг: миллий иқтисодий тизимда кичик бизнеснинг улуши 1991 йилда 1 фоиз атрофида бўлса, 2000 йилда 31 фоиз, 2010 йилда эса 52,5 фоизни ташкил этганининг ўзи Ўзбекистонда тарихан қисқа даврда жиддий тарқибий ўзгаришлар содир бўлганини кўрсатади. Айнан шундай ўзгаришлар тўғрисида ҳам жажон молиявий инқирознинг мамлакат иқтисо-

диётига таъсири олди олинди. Ялпи ички маҳсулотда ўрта қатлам вакиллари улуши юқори бўлгани учун миллий иқтисодий тизим жажон молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳам барқарор ўсишга эришди. Инқироз давридаги барқарорлик омилларини таҳлил қилсак, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим роль ўйнагани яққол намоён бўлади. Айниқса, бунда кичик ишлаб чиқарувчилар учун солиқ юкинни камайтириш бўйича изчил сиёсат амалга оширилгани ниҳоятда муҳим роль ўйнади. Агар 1996 йилда солиқ юки 36 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 7, 2011 йилдан бошлаб эса

6 фоизга туширилди. Кези келганда мамлакатимиздаги меҳнат ресурсларининг тез ўсиши ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳамиятини янада оширганини айтайти ўтиш лозим. Ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг 60 фоизи ушбу соҳа ҳиссага тўғри келаётгани, ишга лаёқатли аҳолининг 74 фоиздан ортиги хусусий секторда банд экани ҳам унинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини кўрсатиб турибди. Шу маънода ҳам биз ўрта қатламга ҳеч бир иккинчиларнинг истиқлол берган имкониятлар тўғрисида пайдо бўлган қатлам, дея таъриф бера оламиз.



Шоира ХАЙДАРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таянчи бўлган ислохотлар хусусида сўз борганида Юртбошимизнинг "...сабот ҳам соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар айтганда, илгор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб беришимиз зарур", деган кўрсатмалари бежиз эмаслиги ишонч ҳосил қиламиз. Дарҳақиқат, жажон таърибаси инновацион технологияларни тараққий эттириш, илгор фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилишда ҳам тадбиркорлик имкониятлари беқиёс эканини кўрсатиб турибди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда «Кичик биз-

нес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг қабул қилиниши эса соҳа ривожига бутунлай янги босқични бошлаб берди.

Таъкидлаш жоизки, Концепцияда кўзда тутилган қонунларнинг жамият ҳаёти ва иқтисодий таъсирини биргина «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Оилавий тадбиркорлик юртимизда азалдан эъзозланиб, миллий қад-

рият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Содда қилиб айтсак, хўжалиқ юритиш борасидаги тадбиркорлик ота меросидир. Энди эса оилавий бизнес билан шуғулланувчилар ягона қонун ҳимоясида бўладилар. Натижада ўзининг қўлимча даромад манбаи ва тирикчилик воситасига эга бўлган оилалар сони ортади, кам таъминланган оилалар сони эса кескин камаяди.

Бир сўз билан айтган-

да, мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган кенг қамровли ислохотларнинг реал натижалари ўрта қатлам вакиллари фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Бу эса Ўзбекистонда ўз олдига қўйилган эзгу мақсадлари йўлида ҳар қандай машаққатларни енгиб ўтиш ва бундан-да улкан вазифарларни амалга оширишга қодир бўлган қатламни қўллаб-қувватлаш муваффақиятлар гарови, эканининг яққол исботидир.

Оталарча Ғамхўрлик учун Президентимиздан миннатдормиз

Бугун юртимиз узра Мустақиллик шабадаси эса бошлаганига 20 йил тўлди. Гарчи бу муддат тарих олдида жуда қисқакдек туюлса-да, лекин айнан ана шу даврда мамлакатимизда асрларга татигулик ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, ҳар жиҳатдан етуқ, баркамол авлод шаклланди. 1991 йилда туғилган чақалоқлар эса бугунга келиб эрланди. Уларнинг орзулари бир олам — ҳар бирлари ҳаётимизнинг муайян соҳасида меҳнат қилиб, юрт фаровонлигига ҳисса қўиши ниятидалар



— Доимо мустақиллик тенгдоши эканимдан гурурланиб юраман, — дейди 1991 йил 23 декабрь кунини Бухоро шаҳрида туғилган **Гулхай Раҳматова**. — Назаримда, бу зиммамизга алоҳида масъулият юкляётгандек туюлаверади. Бошқача айтганда, бу туйғу янада юқориқоқ чўққиларни эгаллашга, янада олийроқ мақсадларни қўзлашга ундайди. Айни пайтда Бухоро юқори техника ва муҳандислик технологиялари университети талабасиман. Мазкур билим даргоҳига кирганимни эшитиб, баъзи яқинларим «Муҳандис бўлишни ўғил болага чиқарган», дейишган эди. Лекин мен инсон ўзи қизиққан соҳаси билан шуғулланганига, ҳаётда нимагадир эришади, деб ҳисоблайман. Шу боис муҳандис сифатида юртимизга хизмат қилмоқчиман. Масалан, Президентимиз таъкидлаганларидек, хорижга хом ашё экспорт қилмай, уларни ўзимизда қайта ишласак, кўпроқ даромад олишимиз мумкин. Бунинг учун эса малакали муҳандислар, ишининг қўзини биладиган тадбиркорлар кўп бўлиши керак. Келажакда етакчи сановат корхоналарида меҳнат қилиб, миллий иқтисодий тизимни кўтариш ниятидаман.


Нодирбек Тожибоев эса 1991 йил 9 апрелда Наманганда туғилган. Наманган муҳандислик-педагогика институти механика факультети 2-курс талабаси. У ҳам муҳандислик касбинини пухта эгаллаш иштиёқида.

— Уйдагиларнинг айтишича, ёшлугимдан «темир-терсақ»ка қизиқар эканман. Отам бирор ўйинқоқ олиб берсалар, қандай ишлаши билан қизиқиб, ичини кавлаштардим. Ақлимни танигач, ихтирочи бўлишга қарор қилдим. Ахир, ота-боболаримиз яратган ускуна ва жиҳозлар бугун дунёни лол қолдирган-ку! Айтайлик, буюқ юртдошимиз Аҳмад ал-Фаргоний ясаган нилометрдан Мисрда ҳамон фойдаланиб келишади. Биз, ёшлар муҳтарам Юртбошимиз қайта-қайта тақдорлаганларидек, аждоқларимизга муносиб авлод бўлиш учун илгор технологияларни яхши ўрганиш билан бирга интеллектуал салоҳиятимизни ҳам ишга солишимиз керак. Олий маълумот эгаллаб, касбга йўлланма олгач, ўз орзуларимни рўйбга чиқаришимга имоним комил. Бунинг учун Наманганда ҳам барча шароитлар яратиб берилган.



— Сентябрь ойи оиламиз учун байрамлар ойи, — дейди қашқадарёлик ёш спортчи **Лазиз Саидов**. — Сабаби бу ойда ҳам Мустақиллик байрами, ҳам менинг туғилган куним нишонланади. Эркин ва обод Ватанда туғилганим мен учун улуг бахт, албатта. Биз, ёшлар учун яратиб берилган шароитлар тўғрисида ўз қобилият ва салоҳиятимизни намоён этаямиз. Шаҳсан ўзим спорт бўйича юртимиз довуғрини дунёга таратишни ният қилганман. Қўл жанги спорт тури бўйича ҳозирданоқ айрим натижаларни қўлга киритдим. Хусусан, 2009 йилда Президент кубоги совриндори бўлдим. Шу йили Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб, голибликка эришдим. 2010 йилда эса Қашқадарё кубогини, шунингдек, бобомиз Амир Темур кубогини қўлга киритдим. Жорий йил июнь ойида жажонга машҳур спорт устаси Брюс Ли хотирасига бағишланган «Жет кунедо» спорт тури бўйича халқаро турнирда иштирок этдим. Қурашлар аёвсиз кечган бўлса-да, рақибларимнинг аксариятидан устун келдим. Лекин бу, халқимиз тили билан айтганда, «хамир учидан патир»дир. Ҳали бундан-да юқориқоқ натижаларни забт этишимга ишонаман.

— Санъатнинг сеҳрли даргоҳига илк қадам қўйганимда 6-7 ёшларда эдим чамаси, — дейди 1991 йил 19 августда Фарғона вилоятининг Фарғона туманида туғилган **Шаҳноза Давлатова**. — Ушунда мактабда ўтказилган қандайдир тадбирда ашула айтиб берганим. Шу-шу кўшиқчиликка ҳавасим баланд. Айниқса, мақом йўналиши жону-дилим. Қатор танловларда голиб ҳам бўлдим. Аммо мен учун энг азизи — 2010 йилда санъат йўналиши бўйича «Зулфия» номидаги Давлат муқофотига муносиб топилгани бўлди. Бунда, албатта, мени тарбиялаган, қобилиятимни ривожлантирган устозларимнинг ҳиссаси жуда катта. Муножот Йўлчиёва, Замира Суқонова каби элимиз ардоғидаги устозларга ўхшаб шарқ мусиқаси билимдони бўлишни ният қилгандим. Шу ораим мени Ўзбекистон давлат консерваториясига етаклаб келди. «Зулфия»чи қизлигим боис кўшига кириш осон кечди. Ҳозир консерваториянинг «Шарқ мусиқаси» факультетига ўқияман. Шу пайтгача болалик орзуларим рўйбга чиққани ва бугунгидек шароитлар учун, энг аввало, Юртбошимизга ташаккур айтмоқчиман.



— Санъатнинг сеҳрли даргоҳига илк қадам қўйганимда 6-7 ёшларда эдим чамаси, — дейди 1991 йил 19 августда Фарғона вилоятининг Фарғона туманида туғилган **Шаҳноза Давлатова**. — Ушунда мактабда ўтказилган қандайдир тадбирда ашула айтиб берганим. Шу-шу кўшиқчиликка ҳавасим баланд. Айниқса, мақом йўналиши жону-дилим. Қатор танловларда голиб ҳам бўлдим. Аммо мен учун энг азизи — 2010 йилда санъат йўналиши бўйича «Зулфия» номидаги Давлат муқофотига муносиб топилгани бўлди. Бунда, албатта, мени тарбиялаган, қобилиятимни ривожлантирган устозларимнинг ҳиссаси жуда катта. Муножот Йўлчиёва, Замира Суқонова каби элимиз ардоғидаги устозларга ўхшаб шарқ мусиқаси билимдони бўлишни ният қилгандим. Шу ораим мени Ўзбекистон давлат консерваториясига етаклаб келди. «Зулфия»чи қизлигим боис кўшига кириш осон кечди. Ҳозир консерваториянинг «Шарқ мусиқаси» факультетига ўқияман. Шу пайтгача болалик орзуларим рўйбга чиққани ва бугунгидек шароитлар учун, энг аввало, Юртбошимизга ташаккур айтмоқчиман.



СУРХОНДАРЁ. Термиз шаҳридаги Тадбиркорлик марказида «Буюқ ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик йилининг 20 йиллигига бағишланган кенгайтирилган йилги бўлиб ўтди. O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан ўтказилган тадбирда кейинги йилларда халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида эришилган муваффақиятлар тилга олиниб, Президентимизнинг демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожланти-

риш Концепциясида илгари сурилган гоаялар ҳамда қонунчилик ташаббуслари юзасидан тушунтириш ишларини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, тадбирда партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйишда илгор тажриба ва замонавий технологиялардан кенг фойдаланиши, бошланғич партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларини фаолиятини янада такомиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар захирасининг сифат таркибини яхшилаш билан боғлиқ масалалар ҳам диққат марказида бўлди. **СИРДАРЁ.** «Мустақил юрт тадбиркориман». Партия вилоят кенгаши «Аёллар қанорати» ташаббуси билан Гулистон шаҳридаги 1-педагогика коллежида ташкил этил-

ган давр суҳбати ана шундай номланди. Унда Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси аъзолари, партия фаоллари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман кенгашлари депутатлари бўлган бир гуруҳ тадбиркор, фермер, хунарманд ва касаначи аёллар иштирок этишди. O'zLiDeP Гулистон шаҳар кенгаши раисининг Аёллар масалалари бўйича ўринбосари Л.Кенжаева тадбирда сўзга чиқиб, ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларга яратилган кенг имкониятлар, мустақилликнинг амалий самаралари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг изланишлари, шунингдек, улар олдида турган муҳим вазифарларга тўхтади. — Оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини

мустаҳкамлаш, маҳаллалар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, аёлларни кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уларнинг жамиятдан муносиб ўрин эгаллашларига яқиндан қўмақлашиш энг муҳим партиявий бурчимиз эканини унутмаслигимиз лозим, — деди ўз сўзида халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, O'zLiDeP Оқолтин туман кенгаши раиси ўринбосари Г.Едгоровна. Тадбирда бир гуруҳ фаол хотин-қизларга партия вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқлари, шунингдек, партия сафига янги қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари топширилди. «Канамалак» ҳамда «Кичкинтой» болалар дасталарининг чиқишлари тўпланганларга байрамона кайфият улашди.

КАШҚАДАРЁ. Истиқлолнинг 20 йиллиги шодиеналари арафасида O'zLiDeP вилоят ва Чирокчи туман кенгашлари ҳамкорлигида «Тинчлик ва осойишталик — энг улуг неъмат» мавзусида давр суҳбатини ташкил этилди. Унда халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати С.Бобоқулов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими раиси Б.Жўраев сўзга чиқиб, кейинги йилларда эришилган ютуқлар, юртимизда ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий барқарорлик, дунё тан олган «Ўзбек модели» ва шу асосда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти хусусида сўз юритдилар. Шунингдек, Касби туманидаги «Мустақилобод» маҳалласида ҳам «Бобол ота» фермер хўжалиги раҳбари, депутат Ф.Боболов ҳомийлигида

катта байрам тадбири ташкил этилди. Таъкидланганидек, истиқлол самаралари бугун энг чекка қишлоқларда ҳам яққол намоён бўлиб турибди. Маҳалладаги кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимоя остига олинган. Қишлоқ йўлларини таъмирлаш, ичимли сув таъминотини яхшилаш доимий эътиборда. Фермер хўжалигида 50 киши меҳнат қилади. Яқин келажакда кичик МТП очилса, юртимизда ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий барқарорлик, дунё тан олган «Ўзбек модели» ва шу асосда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти хусусида сўз юритдилар. Шунингдек, Касби туманидаги «Мустақилобод» маҳалласида ҳам «Бобол ота» фермер хўжалиги раҳбари, депутат Ф.Боболов ҳомийлигида

Тараққиётга юз тутган воҳа

Йигирма йиллик тараққиёт йўлимизга назар ташласак, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 баробарни, реал даромадлар эса 3,8 баробарни ташкил этганини кўрамиз

Рашид СОБИРОВ,
Хоразм вилояти
иктисодиёт
бошқармаси бошлиғи


Бу, шубҳасиз, истиқлол йилларида тўғри танланган тараққиёт йўли натижаларидир. Иқтисодиёт кундан кунга ривожланган Хоразмда ҳам ана шу даврда салмоқли натижаларга эришилди. Хусусан, вилоят корхоналарида 270,4 млрд. сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилгани, бу 1991 йилги кўрсаткичга нисбатан 189 фоиз кўп эканининг ўзи мустақиллик яратиб берган имкониятлар қўламадан далолат беради.

Айниқса, бу даврда асосий эътибор тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг сифат да-

«DARITL SHOES», «KOVO TEX» МЧЖларда ип-калава ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Котонтекс» ва «Богот текстиль» кўшма корхоналари, «Vikcot Imprex» МЧЖ ва «Муруваттекс Гурлан» корхоналари модернизация қилиниб, ип-калава ишлаб чиқариш қувватлари оширилди.

Бошқача айтганда, бир пайтлар фақат пахта толасини экспорт қилган вилоят эндиликда бу маҳсулотларни қайта ишлаб, хорижга сотмоқда. 2012 йилда эса толанинг 42,5 фоизини қайта ишлаш режалаштирилган.

Хозирда қайта ишланган пахтанинг 95 фоизи Россия Федерацияси ва Туркияга экспорт қилинаётган бўлса, келажакда бу худудни Молдавия, Хитой ва Украина давлатлари



ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРЛАРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН 1991-2011 ЙИЛЛАРДА 2063,2 МЛРД. СЎМЛИК КАПИТАЛ ЎЗЛАШТИРИЛГАНИ СОҲАГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТДИР

ражасини оширишга қаратилди. Юртбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички истеъмол бозорини тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида аҳамият берилди. Агар илгари вилоятда фақат тайёр мато, тикучилик маҳсулотлари, пойабзал, хўжалик моллари сотувга чиқарилган бўлса, энди тўрт турдаги — трикотаж, галантерей, парфюмерия ва маданий-маиший турдаги товарлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда бу соҳани янада ривожлантириш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида қисқа ва узоқ муддатли дастурлар яратилди. «2010-2012 йилларда Хоразм вилоятининг салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича худудий дастур» шулар жумласидандир. Унга асосан хозиргача 388 та лойиҳа амалга оширилиб, 44,6 млрд. сўм ва 11,1 млн. АҚШ долларлик инвестициялар ўзлаштирилди. Қўшимча равишда 3517 та янги иш ўрни яратилди. Дастурга кўра, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқлар жадал ривожланмоқда. Жумладан, «CILASUN TASHKENT»,

ҳисобига кенгайтириш мўлжалланаётган. Шунингдек, юқорида

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

Барқарор пахта етиштиришни таъминлаш билан бир вақтда кишлок хўжалик ишлаб чиқариши таркибида пахтанинг улуши 47,7 фоиздан 11,1 фоизга камайди, ғалла етиштириш ҳажми 3,7, гўшт етиштириш 1,9 баробар ўсди.

зикр этилган дастур доирасида Богот туманидаги «Явмут Нихол» хусусий фабрикасида парфюмерия ва пардозлаш молларидан атир совун тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

Маҳаллийлаштириш дастури бўйича эса республикада янага аккумулятор моноблоклари ишлаб чиқариш лойиҳаси жорий этилди. Бундан ташқари, «Мини аккумулятор» МЧЖ мамлакатимиздаги «General Motors» автомобилларининг қарийб 40 фоизини ўз маҳсулотлари билан таъминлаётган.

Аҳолини ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш бўйича тайёрланган дастурларга асосан кейинги 3 йилда сутни қайта ишлаш бўйича 15 та, паррандачиликни ривожлантириш бўйича 59 та, мева-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича 6 та лойиҳа амалга оширилиб, 49 та иссиқхона, 16 та балкичилик фермер хўжалиги ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Биргина ўтган йилда 118,3 минг тонна мева тайёрланган, бу 2009 йилга нисбатан 108 фоиз кўп, демакдир. Умуман олганда, ўтган йили 95,3 минг тонна гўшт, 632,3 минг тонна сўт, 229,7 млн. дона тухум, 377,7 минг тонна сабзавот, 80,5 минг тонна картошка, 26 минг тонна узум аҳолига етказиб берилди.

Вилоятда чорвачилик ҳам изчил ривожланаяпти.

Жами йирик шохли қорамоллар бош сони 2011 йил 1 январь ҳолатига 694,3 мингтани ташкил этмоқда.

Фермерлик ҳаракати яхши йўлга қўйилгани боис пахта, пилла, буғдой асосан фермер хўжаликлари ҳисобига тўғри келаяпти. Ўтган йилдагина қишлоқ мулкдорлари томонидан 2062 тонна пилла етиштирилиб, 23,9 тонна хом илак экспорт қилинди. Шу ўринда ҳар гектардан 48,2 центнердан, жами 246,6 минг тонна буғдой йиғиб-териб олинганини ҳам таъкидлаш лозим.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар жараёнида экин майдонларининг мелiorатив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш мақсадида 4 та насос станцияси қурилиб, ишга туширилди. Бундай ишлар учун Мелиорация жамғармаси ҳисобидан 13,5 млрд. сўм миқдоридан маблағ ажратилди. Натижада 72,4 минг гектар сугориладиган ер майдонларининг сув таъминоти яхшиланди.

Мазлумки, иқтисодиёт ривожига хорижий инвестициялар ҳисобига йирик лойиҳаларни амалга ошириш муҳим роль ўйнайди. Давлат инвестиция дастурларини бажариш юзасидан 1991-2011 йилларда 2063,2 млрд. сўмлик капитал ўзлаштирилгани бу соҳага алоҳида эътибор қаратилаётган

нидан далолатдир. Вилоятда таълим тизимини ривожлантириш, янги авлод вакиллари учун қулай ва замонавий шароитлар яратиш ҳам энг устувор вазифалардан бирига айланган. Хусусан, барча қулайликларга эга бўлган 39 та ва реконструкция ҳисобидан 53 та касб-хунар коллежи (3620 ўринли ётоқхонаси билан бирга) ҳамда 6 та академик лицей барпо этилди.

Шу билан бирга умумий ҳисобда 118,2 минг ўқувчи мўлжалланган ўрта мактаблар, 1970 ўринли касалхоналар, умумий қабул қилиш қуввати 12433 кишилик қишлоқ врачлик пунктлари, 9969,2 минг кв.м. турар-жой бинолари, 3058,3 км.ли табиий газ линияси, 4410,2 км. ичимли сув тармоқлари ишга туширилди.

Қайд этиш жоизки, 1991-2011 йилларда вилоятда қатор йирик қурилиш ишшоотлари ҳам қад кўтарди. «Урганч халқаро аэропорти», уч юлдузли «Хоразм Палас», «Файз» меҳмонхоналари шулар жумласидандир. Авесто, Жалолитдин Мангуберди ва Амир Темур хибоналари эса аҳолининг мароқли дам олиши учун хизмат қиляпти. «Она ва бола» скрининг маркази, «Ешлар» мажмуаси, болалар хибони барпо этилди. Аҳолини тоза ичимли сув билан таъминлаш мақсадида Кувейт Араб иқтисодий ривожлантириш фонди лойиҳаси асосида Ур-

ганч шаҳрида лойиҳа қуввати суткасига 100 минг куб метр бўлган сув тозалаш ишшооти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Албатта, иқтисодиётнинг ривожланиши бандлик масалаларининг ижобий ҳал этилиши билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, 2001-2010 йилларда аҳоли бандлигини яхшилаш учун режадагидан анча кўп, яъни 367835 та янги иш ўрни ташкил этилди. Шунинг 266680 таси ёки 72,5 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига, 101522 таси ёки 27,6 фоизи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига тўғри келаяпти.

Вилоятимизда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда 2006-2010 йилларда 13933 касаначилик иш ўрни ташкил этилди. Шу йиллар давомида касаначиликнинг томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва курсатилган хизматлар қиймати 5 млрд. 62 млн. сўмга етди. Касаначилик бўйича иш ўринлари очган корхоналарга берилган имтиёзлар ҳисобидан 536 млн. 862 минг сўмдан ортиқ маблағни тежашга эришдик.

Бир сўз билан айтганда, Хоразм вилоятида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар иқтисодиётни ривожлантириш билан бирга аҳоли фаровонлигини ошириш, кишиларда келажакда ишонч уйғотишга хизмат қилмоқда. Мустақилликнинг 20 йиллигини нишонлаётган вилоят аҳли юрт тараққиётига янада кўпроқ ҳисса қўшишга чоғланаяпти. Бунинг учун эса бизда барча имкониятлар етарли.



Мустақиллик туфайли мулкдор бўлдим

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада <<

Ота-буваларим кетмон чопиб, офтобнинг тиги, қишининг қархатонида ҳам даладан бери келишмас-да, бирлари икки бўлмаган эди. Бизга улардан заранг дастали эски кетмондан бўлак ҳеч нарса қолмаган. Бердисини сўрасангиз, ўзим ҳам «бригадир бўва» дейишганига қувониб, жонимни жабборга бериб ишлайверганман.

Мустақилликдан кейингина «кўчада қолган» 16 киши билан 210 гектар сугориладиган ерда иш бошлагандим. Аввалига шартнома асосида 145 гектар ерга шולי экдик. Бошидаёқ ҳар қандай натижага тайёр эдим. Уша йили об-ҳаво ноқулай келиб, сув етишмовчилиги боис шолининг тақдирини хавф остида қолди. Мажбурликдан майдонни бузиб, 30 гектарига пахта ва маккажўхори экиб юбордик. Гарчи 30 центнердан ҳосил олган бўлсак-да, пировардида чеккан азият-у, харажатларимизга қуйиб қолдик. Аммо ҳукуматимиз жонимизга оро кирди: нақд 3 миллион сўмлик зараримиз қоплаб берилди. Ишчилар меҳнати бекор кетмасин, деб бир фермердан 2 миллион сўм қарз кўтариб, уларга маош сифатида тарқатдим.

Кейинги йиллардагина фермер хўжалигимиз ривож топа бошлади. Қолаверса, энди оз бўлса-да, тажрибамиз ҳам бор эди. Ушандаёқ ҳар йили биттадан техника сотиб оламиз, деб аҳд қилгандим. Ҳатто фойдангиз ҳаммаси сарфланса ҳам бу қароримдан қайтмадим. Бир йили 17 миллион сўмга трактор харид қилганимни эшитиб, айримлар «шу сенга зарилми ҳозир, МТПнинг хизмати етмайпти, бу пулга икита «Нексия» ола бўлади-ку», дея танбех беришгани ҳам эсимда. Аммо ушанда тўғри йўл тутган эканман. Айни пайтда 50 дан ортиқ техникамиз бор. Оддий боронадан тортиб, комбайнча, бульдозердан тортиб, «МАЗ» самосвалга... Бу бошқаларнинг «қош-қовоғи»га қарамай, барча ағротехник тадбирларни ўз вақтида, тез ва сифатли амалга ошириш, ҳатто

қўшни фермерлар оғирини енгил қилишда ҳам қўл келаяпти. Бир воқеа ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. 2005 йил охирида 108 миллион соф фойда қўрибман. Ўзимга ўзим ишонмадим. Чунки илгари 80-100 сўм учун бир ой чиранган мендек оддий деҳқон учун бу бир тушга ўшарди.

Даромад кўпайгач, бошқа соҳаларга ҳам қўл урдик. Айни пайтда 200 бош қорамол, 2000 дан зиёд қўй-эчкимиз бор. Шулар ҳисобидан ҳар йили 10-15 тонна гўшт сотамиз. Чорва озуқа базасини яратиш учун 50 гектар ерга йўнғичка ва маккажўхори эканмиз. Беда уругини ажратадиган, ўрилган ўрни преслайдиган ускуналар туфайли чорвачилик ҳам даромадли соҳага айланди.

2004 йилда 166 гектарлик қўл хавзасини тендерда қўли олиб, балкичиликни ҳам йўлга қўйган эдим. Кейинчалик кўлни 209 гектарга кенгайтирдик, Шу ҳисобдан ҳар йили 80 тоннагача парҳез гўшт етиштираяпмиз. Айни пайтда 440 гектар еримиз бўлиб, унинг 150 гектарига ғалла, 200 гектарига пахта эканмиз. Фермерлик «кўчасига» эндигина кирган пайтлар пахта ҳосилдорлиги 20 центнердан ошмасди. Ҳозир эса 45-50 центнерлик марра ҳам оддий ҳол бўлиб қолди.

Фаллачиликда ҳам «ошигимиз олчи»: жорий йилда хирмонга режадаги 185 тонна ўрнига 500 тонна сифатли дон тўқдик. Қолган 300 тоннаси ишчиларга тарқатилди. Бугун гўзаларим ҳам дуркун. Камида 50, бўлмаса 60 центнердан ҳосил қўзалаймиз.

Маблағ етарли бўлгани учун туман марказида икита новойхона, қишлоғимизда мухташам тўйхона қурдик. Шу қўнларда балки гўштини консервалайдиган цех ташкил этиш ҳаракатидаман. Бизларнинг «Сенга нима етмайпти?» деб қолашди. Бундайларга жавобим тайин. Аввало, Президентимиз тадбиркорлик учун яратиб берган шароитлардан унумли фойдаланиш керак. Зеро, тадбиркорлик туфайли қанча одам ишли


бўлиб, қанча хонадонга қўт-барак қираяпти.

Масалан, ишчиларимиз учун барча шароитларни яратиб берганмиз. Дала бошидаги тўртта шийпон улар хизматида. 90 нафардан зиёд ишчи-хизматчи менинг қанотим, уларсиз мен ҳеч нарсага эриша олмаган бўлардим!

Ўзим эса фақат иш билан ўралашиб қолмай, билим олишга интиламиз. Бир маҳаллар агрономлик бўйича ўрта махсус маълумот олган бўлсам-да, 2008 йили Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалини тамомладим. Тажриба, хўжаликдаги агрономлар ўз йўлига, аммо фермернинг ўзида ҳам соҳага оид етарли билим бўлиши керак, деб ҳисоблайман...

Байрам арафасида танишларим кўнғироқ қилиб, «Қаҳрамонлик кутул бўлсин, юксак мукофот муборак», деб қолишди. Очғи, аввалига ишонмадим. Газетада Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисидаги фармонларини ўқигандан кейингина ишондим. Шу ондаёқ «Нега айнан менга?» деган савол хабаримга келди. Энди англасам, бу унвон нафақат мендек оддий фермернинг меҳнати, балки бутун мамлакатимиз деҳқонларининг машаққатли фаолияти ва ютуқларига бериш билан таъминланди. Табиийки, Ўзбекистон Қаҳрамони бўлиш фақат фахр эмас, масъулият ҳамдир. Буни келгусидаги меҳнатларимиз, халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз ободлиги учун белни янада маҳкам боғлаб, янада юксакроқ марраларни қўзлашимиз учун, деб тушунадим. Ушбу нишон мен учун ҳаётимдаги энг катта совға, энг буюк эътироф бўлди, десам ҳам, хато бўлмайди. Чунки мукофот туфайли 20 йиллик чорчогим, уйқусиз тунарим унут бўлди. Биз каби оддий деҳқонлар меҳнатини шу қадар юксак баҳолаган Юртбошимизга самимий миннатдорлик билдириб, келгусида бу ишончнинг ҳалол меҳнатини билан оқлашга ваъда бераман...

Хўжалик тадбиркор ва ишбилармонлар!
ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ҚАРОРЭДИ
нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятининг турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва қўмақчингиздир.
Фавоитинингизда бирор мўддамо тизга келса, сизга иккилашмай бизга мурожаат этинг!
Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Қорасоғ 6 дўхона 10-ғ. уй.
Тел.: 8 (371) 265 80 40; 265 73 17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru



Юрт ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлида

Мустақиллик йилларида эришилган энг катта ютуқларимиздан бири бу, шубҳасиз, тадбиркор ва ишбилармонлар ҳамда қишлоқ мулкдорларидан иборат ўрта синфнинг пайдо бўлишидир

Йигитали ҲАКИМОВ,
«Фарғонапахтасаноат»
худудий очик акциядорлик
бирлашмаси раҳбари

Зеро, иқтисодиётимизнинг бугунги юксалиш палласида айнан ана шу қатлам вакиллари барча соҳаларда яратувчанлик салоҳиятини тўла намойиш этишмоқда.

Буни аграр сектор мисолида ҳам кўриш мумкин. Миллий бойлигимиз бўлган пахтанинг сифатли ва харидорлигини таъминлаш, уни қайта ишлаш жараёнларида эса тизимимиздаги корхоналар фермерларимизга замонавий талаблар асосида хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўтган йиллар мобайнида 7 та пахта тозалаш корхонаси ва 44 та пахта тайёрлов масканларидан иборат «Фарғонапахтасаноат» бирлашмасида фермерлар учун қулай шароит яратиш, улар томони-

дан тайёрланган маҳсулотларни сифатли қайта ишлаш учун модернизациялаш жараёнлари изчил амалга оширилди. Натижада жорий йилнинг ўтган ярми давомида тизим корхоналарида 109923 тонна пахта хом ашёси қайта ишланиб, харидорларга 121 миллиард 260 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил этиш, касаначиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини бажариш бўйича ҳам муайян натижалар қўлга киритилмоқда. Хусусан, республика «Пахтасаноат» уюшмаси томонидан тасдиқланган дастурга асосан ўтган олти ойда бирлашма корхоналари 249 нафар касаначи билан шартнома имзолади.

Натижада улар томонидан қиймати 74 миллион 942 минг сўмлик тикувчилик буюмлари, ёрдамчи

хўжаликлар учун маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Хусусан, фермер хўжаликлари учун терим этаклари, уруғлик пахта ва чигитларни жойлаш учун қанор, бўз қоплар, ўров материаллари ҳамда бошқа хил кенг истеъмол моллари тайёрлангани фермерларга кўмак бериш баробарида касаначилик билан шуғулланаётган аҳоли даромадининг ўсишига ҳам имкон берди.

Аҳолини сифатли озиқ-овқат ва гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлашга ҳам «Фарғонапахтасаноат» корхоналари муносиб ҳисса қўшмоқда. Айниқса, тизимда паррандачилик, асаларичилик ва чорвачилик йўналишларида ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Айни кунда Кува, Тошлоқ, Ўзбекистон, Бағдод, Риштон, Қўқон ва Бешарик пахта тозалаш корхоналари негизда жами 75 минг бошдан ортиқ товуқ ва жўжа пар-

варишланапти. Уларда жами 88 та иш ўрни яратилиб, ҳозиргача 2 млн. 502480 дона тухум ва 1032 килограмм товуқ гўшти етиштирилди. Инкубаторларда эса 3800 бош жўжа боқилмоқда. Тизим корхоналари томонидан аҳоли хонадонларини товуқ ва жўжа билан таъминлаш бўйича ҳам самарали ишлар олиб борилаяпти. Биргина «Риштон пахта тозалаш» корхонаси томонидан Фарғона туманидаги хонадонларга 329900 бош жўжа тарқатилдики, бу аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Тизимдаги пахта тозалаш корхоналарида чорва, балиқ маҳсулотлари, асал ва иссиқхоналарда сабзавот етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳозир бирлашма ихтиёрида 122 бош қорамол, 385 бош қўй ва эчки бўлиб, ўтган олти ойда аҳолига 35 тонна суг, 6,5 тонна гўшт ва 5,5 тонна балиқ етказиб берилди. Шунингдек, асалари-

чилик бўйича қабул қилинган режа асосида 3,5 тонна асал етиштириш чоралари кўрилмоқда. Мавжуд иссиқхона ва лимонарийларда 10560 дона ли-

йғиб олиниб, халқимизга тухфа этилди.

Таъкидлаш жоизки, бирлашма тасарруфидоги корхоналар ходимлари ҳар йили пахта йи-

ча шартномалар имзолашиб, улар учун 912 та гарам майдонлари тайёрлаб қўйилди. Вилоятдаги чекка худудларда жойлашган фермер хўжалик-

ланиш хоналари ташкил этиш чоралари ҳам кўрилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўза майдонларида агротехник ва ташкилий масалаларни тизимли равишда амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан бирлашма тизимидаги корхоналар томонидан туман худудларида 224 нафар агроном шартнома асосида ишга олинди. Айни кунда, улар фермерларга амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, «Фарғонапахтасаноат» тизимидаги ишчи-хизматчилар ҳам мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигини кўтаринки кайфиятида қутиб олиб, юртимиз иқтисодиётини янада юксалтиришга камтарона ҳисса қўшмоқдалар. Зеро, тинчлик ва хотиржамлик, тўқин-сочинлик бўлган юртгагина байрамлар ярашади.

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

Ялпи ички маҳсулот таркибида саноат улуши **17** фоиздан **24** фоизга, хизматлар улуши **34** фоиздан **49** фоизга ошди. Автомобилсозлик, нефть-газ-кимё, фармацевтика, замонавий озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби янги иқтисодиёт тармоқлари ташкил қилинди.

мон, 5 тонна помидор ва 3 тонна 250 килограмм микродорида бодринг етиштирилди.

«Фарғонапахтасаноат» ХОАБ тизимидаги корхоналарга қарашли тайёрлов масканлари худудида яратилган 46,5 гектарли боғларга 28922 туп янги кўчат экилди. Умуман олганда, тизим корхоналари бўйича шу кунгача 436 тонна сабзавот, 247 тонна полиз ва 331 тонна мева

ғим-терим мавсумига пухта тайёргарлик кўрадилар. 2011 йилги мавсумни ҳам уюшқоқлик билан ўтказиш, пахта хом ашёсини нест-нобуд қилмасдан қабул қилиш, сифатли сақлаш ва қайта ишлаш борасида аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Бу йил 3007 та пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари билан 290 минг тонна пахта хом ашёсини қабул қилиш бўйи-

ларида пахтанинг далада қолиб кетмаслигини таъминлаш, хом ашёни ўз вақтида тайёрлов масканларига етказиш мақсадида бирлашма тизимидаги корхоналарда 75 та трактор, 150 та тиркама ва 9 та автомашина техник кўриқдан ўтказилиб, шай ҳолатга келтирилди. Шунингдек, пахта ҳосилини топширувчилар ва ишчи-хизматчилар учун маънавий-маърифий ва овқат-

ФАРҒОНА «ДОРИ-ДАРМОН» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

фидокорона меҳнатлари билан мамлакат фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган барча юртдошларимиз ҳамда кўп сонли мижозларини улуғ айём — Мустақилликнинг 20 йиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этади. Хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, дастурхонларингизга қут-барака тилайди.

ЎЗБЕКИСТОН «ЎЗ КОММУНИЗМАТ» АГЕНТЛИГИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Ватанимиз осмони ҳамиша бугунгидек мусаффо, хонадонларимиз осойишта, дастурхонларимиз файзу баракали бўлсин.




«ШОВОТ ПАХТА ТОЗАЛАШ» ОАЖ ЖАМОАСИ

Сиз, азизларни
Истиқлолнинг 20 йиллиги
билан қизгин ва самимий
муборакбод этади.

Хонадонингизга шодлик,
тинчлик ва фаровонлик тилайди.

Ҳаётингиз нурга тўлсин!
Мустақиллик байрамингиз
қутлуғ бўлсин!



Йўлинг равон бўлсин, «Afrosiyob»

Улкан шодиёналар арафасида «Тошкент-Самарқанд» йўналиши бўйича «Afrosiyob» тезорар поезди қатновининг йўлга қўйилишига бундан 20 йил аввал асос солинган, десак, муболага бўлмайди



Шухрат ХҲҲАЕВ,
«XXI ASR»

1991 йилнинг 25 февралдаёқ Юртбошимиз соҳа мутаассадилари, муҳандис-техник ходимлар иштирок этган йўналишда темир йўл транспортнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, энг асосийси, ягона миллий темир йўл тизимини барпо этиш госясини илгари сурган эдилар. Орадан кўп ўтмай, қўшни республикалар худудидан ўтган транспорт коммуникацияларини мамлакат худудига олиб кириш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шу тариқа иккита йирик ва стратегик муҳим темир йўл магистрალი — узунлиги 342 километрни ташкил этган Навоий-Учкудук-Султон Увайстог-Нукус ҳамда 223 километрга чўзилган Тошгузар-Бойсун-Кумкўрган йўналишлари бўйича янги темир йўллар ётқизилди.

Уз навбатида, компания йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, янги электровозларни сотиб олиш орқали сайёҳликни ривожлантириш борасида ҳам қатор инвестицион лойиҳаларга қўл ура бошлади. Бундай изчил ҳаракатлар Президентимизнинг бевосита раҳ-

барлиги остида амалга оширилди. Ўзбекистонда юқори тезликда ҳаракатланадиган замонавий йўловчи электропоездлар қатновини йўлга қўйиш режаси эса Юртбошимизнинг 2009 йил май ойида Испания Қироллигига расмий ташрифлари доирасида эришилган келишувлардан сўнг 20 ой ичида рўёбга чиққанини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— 2009 йилнинг июль ойида Испаниянинг «Patents Talgo S.L.» компанияси билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган меморандуми ҳамда мазкур мамлакатдан иккита йўловчи электропоездни сотиб олиш бўйича келишувлар имзоланган бўлса, 17 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент — Самарқанд» йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар қатновини ташкил этиш тўғрисидаги фармойиши қабул қилинди, — деди янги темир йўл қатновининг фойдаланишига топширилиши муносабати билан ўтказилган тақдирот маросимида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК бошқаруви раиси Очилбой Раматов. — Аҳамиятлиси, Президентимиз қарорига асосан 38 миллион еврога тенг шартнома тўлиқ маҳаллий манбалар ҳисобидан, аниқроғи, 50 фоизи ДАК, қолган 50 фоизи

Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредити ҳисобидан молиялаштирилди.

Таъкидлаш лозимки, йўловчиларни Тошкентдан Самарқандгача 2 соат-у 10 дақиқада элтиб қўйдиган «Afrosiyob» электропоездининг биринчиси Испаниядан Ўзбекистонга денгиз йўли орқали Санкт-Петербург бандаргоҳига, сўнгра Россия ва Қозоғистон пўлат магистралларида пойтахтимизга олиб келинди. У иккита локомотив ҳамда саккизта (2 та «ВИП», 2 та «бизнес», 4 та «эконом класс»даги) йўловчи вағони ҳамда 1 та вағон-ресторандан иборат.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК матбуот хизматидан хабар қилинишича, ўтган 1 йил-у 8 ой мобайнида Тошкент ва Самарқанд оралигидаги 344 км.лик йўлда том маънода улкан лойиҳалаш ва қурилиш ишлари бажарилди. Хусусан, янги поезд ҳаракатланадиган худудлар давлат экспертизасидан ўтказилган, ана шу йўналишда умумий узунлиги қарийб 400 метрни ташкил этган 4 та металл кўприк, 142 метрлик туннель, шунингдек, Янги Янгиер ва Даштобод бекатлари оралигида 35,3 километрлик иккита йўналишда электрлаштирилган янги темир йўл барпо

этилди. Бундан ташқари, «Ўзбекистон» локомотив депо-си худудига «Afrosiyob» электропоезларини техник кўриқдан ўтказадиган ва сервис хизмат кўрсатувчи маҳсул қех қурилди.

— Ушбу лойиҳа Испания ва Ўзбекистонни стратегик ҳамкорларга айлантиришдан ташқари, икки мамлакат халқларини ҳам яқинлаштирди, — деди тақдирот маросимида «Patents Talgo S.L.» компанияси бошқаруви раиси Хосе Мариа Ориол Фабра. — Умуман олганда, 1942 йилда ташкил топган компаниямиз юқори тезликда ҳаракатланадиган поездларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг байроқдори ҳисобланади. Ўзбекистонга келтирилган Т-250 русумли поезд эса компаниямиз томонидан ишлаб чиқарилган электропоезларнинг энг сўнги авлодидир.

Анжуманда, шунингдек, яқин келажақда ушбу турдаги транспорт воситаси қатнови Бухоро, Навоий, Қарши ҳамда Термиз шаҳарларига қўйилиши режалаштирилаётгани ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

— Мен «Ўзбекистон темир йўллари»ни бежиз кейинги йилларда энг самарали ва юқори сифат даражасида ишлаётган компания, деб атамадим, — деди тақдирот маросимида МДҲга аъзо мамлакатлар Темир йўл транспорти бўйича кенгаши дирекцияси раиси Пётр Кучеренко. — Зеро, дунёнинг аксарият мамлакатлари ҳақон молиявий-иктисодий инкирози асоратларини бартараф этиш билан банд бўлиб турган бир пайтда Ўзбекистонда сўнги 5 йилда янги темир йўлларни қуриш, мавжудларини электрлаштириш бўйича жуда йирик лойиҳалар амалга оширилди. Юртингизда, айниқса, қурилиш, транспорт коммуникациялари ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганининг яна бир далили сифатида Тошкент-Самарқанд йўналиши бўйича тезорар электропоезд қатновининг йўлга қўйилаётганини кўрсатиш мумкин.

Тақдирот маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ботир Хўжаев иштирок этди.

Ришод СОБИРОВ:

Эндиги мақсадим — Лондон Олимпиадаси олтин медалини қўлга киритиш

Париж шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида истеъдодли полковларимиз — Ришод Собиров олтин, Наврўз Жўрақобиллов бронза медални қўлга киритиб, Ўзбекистон эркалар терма жамоасининг умумжамоа ҳисобида кучли бешликдан жой олишига муносиб ҳисса қўшди

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбирлари

Тошкент халқаро аэропортида жаҳон чемпионатидан ёруғ юз бондан қайтган Ўзбекистон спорт делегациясини тегизиши вазирлик ва идоралар, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари, ота-оналар ва мухлислар кутиб олди.

Франция пойтахти Париж шаҳрида ўтган мусобақа дзюдо бўйича жаҳон чемпионатлари тарихида энг катта мусобақа бўлди. Унда дунёнинг 130 дан зиёд мамлакатидан келган 900 нафарга яқин энг кучли дзюдо усталари эркалар ва хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда 16 медаллар жамланмаси ҳамда келгуси йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма берадиган рейтинг очколарини қўлга киритиш учун ўзаро куч синашди.

Йирик спорт форуми доирасида ўтказилган Халқаро дзюдо фе-

дерацияси (IJF) Конгрессида мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, дзюдони ривожлантиришга улкан эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланиб, ана шундай эътибор ва ғамхўрлик самарасида камол топган иктидорли спортчимиз Ришод Собиров жаҳоннинг бугунги кундаги энг кучли дзюдочиси, Ўзбекистон терма жамоаси устози Андрей Штурбабин замонамизнинг энг кучли мураббийи, деб эълон қилинди.

— Жаҳон чемпионати шохсупасининг энг юқори поғонасида турганимда ва эришган ғалабам шарофига Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграганида қалбим фарх ва ифтихорга тўлди, — дейди икки карра жаҳон чемпиони Р.Собиров. — Мен Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик шодиёнасига муносиб тўёна тайёрлай олганимдан бахтиёрман. Мусобақаларда эришяётган бундай юксак муваффақиятларимиз, аввало, истиқлолимиз шарофати ва Президентимиз Ислам Каримов томонидан мамлакатимизда ёшлар камолоти йўлида кўрсатилаётган улкан

эътибор самарасидир. Эндиги мақсадим — келгуси йили Лондон Олимпиадаси олтин медалини ҳам қўлга киритишдир.

Париждаги жаҳон чемпионатида 73 килограмм вазн тоифасида татамига чиққан Наврўз Жўрақобиллов терма жамоамиз газнасига бронза медал келтирди.

— Франциядаги жаҳон чемпионати менинг ҳаётимдаги унутилмас мусобақалардан бири бўлиб қолади, — дейди дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи А.Штурбабин. — Шогирдларим қўлга киритган ютуқлардан қувониб турганимизда Тошкентдан хушхабар эшитдик. Давлатимиз раҳбарининг фармонида биноан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвани билан тақдирландим. Бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик бизни янги марралар сари илҳомлантиради. Ватанимиз Ўзбекистоннинг нуфузини халқаро миқёсда янада юксалтириш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга солаверамиз.



ХАЛҚ БАНКИ

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
жамоаси

Юртдошларимизни, энг улуг ва муқадас саналган Ватанимиз
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ

байрами муносабати билан самимий
муборакбод этади!

Ушбу файзли кунларда барчага мустаҳкам соғлиқ, фаровон ҳаёт,
оилавий бахт, истиқлолимизнинг мустаҳкамлаш йўлидаги
ишларингизга улкан зафарлар тилайди.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

ХАЛҚ БАНКИ — ХАЛҚ ИШОНГАН БАНК!

«TRIUMF GORNYAK» МЧЖ ЖАМОАСИ

**Мустақиллигимизнинг
20 йиллик шодиёнаси
билан сиз, азиз
юртдошларимизни
муборакбод этиб,
барчангизга
сиҳат-саломатлик,
оилавий бахт тилайди.
Юртимиз доимо тинч,
осмонимиз эса
мусаффо бўлсин.**